201__
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Муқаддас она, аёл зоти — чинакам меҳр булоғи, меҳр қуёши

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 10 (1231) ● 2019-yil 8-mart, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, хотин-қизларимизнинг оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Салоҳий Дилором Исомиддин-қизи — Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси мудири, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Маркелова Людмила Васильевна — Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг велотрек бўлими катта мураббий-ўқитувчиси

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Вахидова Гулчехра Гулямовна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Мустафаева Ханифа — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Рашидова Сайёра Шарафовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти директори

3-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарама опа-сингиллар!

Ҳурматли дўстлар!

Бугун мана шундай дилбар, қутлуғ баҳор айёмида сиз, мунис оналаримиз, ҳурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамингиз — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан мубораксбод этаман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини табриклаб, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, **"Меҳр — ҳаётнинг устуни"**, деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, **муқаддас она, аёл зоти — чинакам меҳр булоғи, меҳр қуёши**, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Шу қуёш бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан буён безавол яшаб келмоқда.

Шу боис **бугунги қувончли айёмда аввало дунёда "фидойи" деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдида таъзим қиламиз. Ҳаётимиз қувончи, хонадонларимиз кўрки бўлмиш азиз аёлларимиз шаънига энг гўзал тилакларимизни изҳор этамиз.**

Ер юзида сўз ва соз санъати, шоиру ҳофиз, рассом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, **"Оламда аёл мадҳига достон тугамайди"**. Чунки, аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Бизга мана шу ёруғ, гўзал оламни янада гўзал ва ёруғ қилиб турганларингиз учун катта раҳмат сизларга!

Биз — Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йигитлари сиз, азизларга бўлган ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интилмоқдамиз.

2-БЕТ

ТАНЛОВ

Энг фаол адолатчи аёл

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси тизимида анъанавий ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" республика кўрик-танлови сафимиздаги хотин-қизларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга, уларнинг етакчилик қобилиятини оширишга, шу билан бирга, жамият ҳаётида мавжуд муаммоларни ҳал этишга доир таклифларни ўрганиш ва рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бу муҳим жиҳатлар Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида пойтахтимизда ўтказилган танловнинг республика босқичида ҳам ўз ифодасини топди. Таъкидлаш жоизки, опа-сингилларимиз жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётган бугунги кунда уларнинг фикри, ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларга синчков назари, ҳаётий тажрибалари, ибратли ишлари амалий аҳамият касб этмоқда.

4-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссияси ҳамраиси, Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари, шунингдек, кўп қиррали амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги алоқалар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончга асосланган мулоқот, мамлакатларимиз идоралари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги шериклик ва алмашувлар жадаллашгани савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги самарали ҳамкорликни ниҳоят даражада оширишга хизмат қилди.

Россия Президенти Владимир Путиннинг ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитгани қайд этилди.

2018 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 20 фоиз ошиб, қарийб 6 миллиард долларга етди. Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида, жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа кўплаб тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзаро мулоқотнинг янги кўп даражали формати, яъни икки давлат Бош вазирлари раҳбарлик қиладиган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, кўп қиррали шериклиги кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар самарадорлигини ошириш ва уларни ўз вақтида рўёбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторида мамлакатимиз ҳудудларида Россия компаниялари иштирокида агрокластерлар ва логистика марказлари ташкил этиш, Ўзбекистон мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотларини Россия бозорига катта миқдорда улгуржи нархда етказиб бериш бўйича янги тизим жорий этиш, ҳудудлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ўзаро алмашувларни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш қайд этилди.

Россия иқтисодий ривожланиш вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Максим Орешкин Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвесторларни ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳолади.

Россия ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, турли соҳаларда истиқболли қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам зарур чоралар кўришга тайёр экани таъкидланди.

ЎзА

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Давлатимиз раҳбарининг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди. Янги тизимдан кўзланган бош мақсад халқ ичига, одамлар орасига чуқур кириб бориб, улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, ҳал қилиш ҳисобланади.

Бу борада Халқ қабулхоналари қандай фаолият олиб бораяпти? Фуқароларнинг ишончи камчиликларни ўрганиш, муаммони бартараф этиш орқали қай даражада қозонилаяпти? Одамлар ҳаётдан рози бўлиши учун ҳудудларда яратилган имконият ва шарт-шароитлар етарлими? Ушбу саволлар билан Оҳангарон шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Қўшпўлат РОМАНОВга мурожаат қилдик.

5-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги деб тушунамиз. Сизларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашингизни амалга ошираётган барча-барча ислоҳотларимизнинг асосий мақсади ва мезони деб биламиз. Бу йўлда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-ғайрат бағишлайди.

Қадрли опа-сингиллар!

Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, жамиятдаги ўрнингиз, Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлардаги беқиёс ҳиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Ва сизларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларингиз давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлгани ҳам шундан далолат беради. Уларнинг орасида ўнлаб Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари, халқ шоирлари, халқ артистлари борлигини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Бугунги даврамизда турли жабҳаларда астойдил меҳнат қилаётган ана шундай жонкуяр, оқила, меҳр-оқибатли аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман. **Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондини ташкил этади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.**

Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фазилатларингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаётганингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли юртдошлар!

Барчангизга маълумки, биз **"Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"** Президент фармонини қабул қилдик. Ўтган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 2 та қарори, ҳукуматимизнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.

Ана шу ҳужжатлар асосида илгари имкониятлари чекланиб, фаолияти сусайиб қолган Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ушбу тизимда катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 10 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлимлари қошида "Ҳуқуқшунос аёллар", "Илм-фан ва аёл", "Ижодкор аёллар", "Ташаббускор аёллар", "Аёл ва саломатлик", "Фахрий аёллар" жамоатчилик уюшмалари ташкил этилди. "Йил аёли", "Ибратли оила" танловлари ўтказилмоқда. Энг асосийси, амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва юртимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиб, 3 мингга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. Айни вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш тизими яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади.

Хабарингиз бор, бу йил юртимизда миллий парламентимиз ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Ана шу сайловларга аёлларимиз ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда жойларда "Депутатликка старт" акциялари ташкил этилаётганини биз албатта қўллаб-қувватлаймиз.

Сизларга маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимиз депутатлар корпусининг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўтган икки йиллик тажрибамизни, аёлларнинг сиёсий онги ва савияси ошиб бораётганини инобатга олиб, бу рақамни анча кўпайтирсак, ўйлайманки, адолатдан бўлади.

Хотин-қизлар қўмитасининг халқаро фаолияти ҳам кучайиб бормоқда. Масалан, янги тузилган Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази ташаббуси билан юртимиз олималари ўтган йили Корея Республикасида ташкил этилган халқаро форумда муносиб иштирок этдилар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги даврамизда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Франция Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолен де Вильмор, Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзян Янь, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги турли ваколатхоналарининг раҳбарлари бўлган Ашита Миттал, Миеко Ябута, Лиан Куппенс, Мария дель Пилар Алварез-Ласо хонимларни кўриб турганимиздан ғоят мамнунмиз.

Мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаб, эзгу тилакларимизни билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз опа-сингиллар!

Барчангизга маълумки, биз учун меҳр-муҳаббат қўрғони бўлган оила институтини мустаҳкамлаш кейинги пайтда юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу сиёсатни белгилайдиган муҳим ҳужжат – **Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси** қабул қилинди. Мазкур концепцияни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази қайта ташкил этилди.

Оила масаласини комплекс ўрганиб, мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, мониторинг қилиш ва баҳо беришга, илмий тадқиқотлар орқали оила фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган янги тизим яратилди.

Илгари Адлия вазирлиги тасарруфида бўлган фуқаролик ҳолатига оид ҳужжатларни қайд этиш идоралари туман ва шаҳар ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раисига бўйсундирилди. Ҳозирги вақтда улар томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Албатта, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг мазмуни, сифати ва самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бугунги кунда изчил амалга оширилаётган **"Обод қишлоқ"** ва **"Обод маҳалла"**, **"Ёшлар – келажагимиз"**, **"Ҳар бир оила – тадбиркор"** каби дастурлар айни шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугун **"Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорни имзоладим.

Бу қарорда аёлларнинг меҳнат ва пенсия соҳасидаги ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлаш бўйича мутлақо янги кафолатлар белгилаб берилмоқда. Аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш, бизнес ғояларини тайёрлашда ёрдам бериш, узоқ вақт давомида бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларни талаб катта бўлган касбга тайёрлаш ва ишга жойлашиш учун уларга кўмаклашиш мақсадида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилмоқда. Аёлларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 100 миллиард сўм ажратилади. Бу маблағ уларга имтиёзли кредит сифатида берилади. Мазкур маблағларнинг камида 50 фоизи қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилади.

Биз опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бу борадаги эзгу ишларни бундан буён ҳам давом эттирамиз.

Қадрли юртдошлар!

Халқимизда **"Эл соғлиғи – юрт бойлиги"** деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам, тинчлик билан соғлиқни асрасак, қолган ҳамма нарсага эришамиз.

Бу масалада ҳурматли аёлларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда барча ҳудудларимизда перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик ва диагностика марказлари фаолият кўрсатмоқда. Туғруқ бўлимлари, кўп тармоқли поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари сони ортиб бормоқда. Ушбу тиббиёт масканларида аёллар ва қиз болалар йил давомида чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказилиб, уларга доимий патронаж хизмати кўрсатилмоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун замин яратиши шубҳасиз.

Хотин-қизларда учрайдиган касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ишлари самарали ташкил этилаётгани туфайли аёллар ўртасида касалликлар қарийб 2 баробар, оналар ўлими 3 марта, гўдаклар ўлими эса салкам 4 марта камайди. Ўтказилган скрининг текширувлари натижасида 2018 йилда 5 минг нафар чақалоқда оғир нуқсонлар билан туғилиш хавфи бартараф этилди.

Ўтган йилдан бошлаб биз бу борада яна бир катта ишни бошладик. Яъни, барча шаҳар ва туманлар, айниқса, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги марказий поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари қошида аёллар учун маслаҳатхоналар ва болалар саломатлик марказлари ташкил қилинмоқда.

Яхши биласизлар, мен **"Боғчага борган бола билан боғчага бормаган боланинг ўртасида катта фарқ бор"**, деган фикрни, ҳаётий ҳақиқатни такрор-такрор айтишдан, уни ҳамма жойда даъват қилишдан чарчамайман. Ўтган даврдаги икки йиллик тажрибамиз ва жойларда аҳоли билан олиб бораётган мулоқотларимиздан келиб чиқиб, ана шу фикрга қўшимча қилиб айтмоқчиман: **"Боғчага борган боланинг онаси билан боғчага бормаган боланинг онаси ўртасида ҳам катта фарқ бор".** Чунки ҳар куни тарбиячилар, педагог мутахассислар, психологлар, тиббиёт ходимлари билан мулоқотда бўлиб, болаларнинг ижобий ўзгаришларни кўриб, оналарнинг ҳам билими, ҳаётий тажрибаси, маданий савияси ошади. Болалари билан бирга улар ҳам ижтимоий-маънавий тарбия муҳитига, жамиятга яқинлашади, фаоллашади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз мактабгача таълим соҳасига улкан эътибор бермоқдамиз.

Ўйлайманки, меҳрибон оналар, бувижонлар сифатида бунинг аҳамиятини сизлар ҳаммадан кўра кўпроқ тушунасизлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда 7 минг 104 та мактабгача таълим маскани фаолият кўрсатмоқда. Кейинги 2 йил давомида 2 минг 211 та янги боғчалар ташкил этилиб, уларга қўшимча 243 минг бола қабул қилинди. Бошқача айтганда, юртимизда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси сўнгги бир ярим йилда 12 фоизга ошиб, 38 фоизни ташкил этмоқда.

Биз яқин 4-5 йилда юртимиздаги боғча ёшидаги барча болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. **Бу – бизнинг аёлларимиз, болаларимиз олдидаги қарзимиз, керак бўлса, келажак олдидаги муқаддас вазифамиз ва биз уни албатта адо этамиз.**

Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Ҳиндистон, Италия, Сингапур, Латвия каби давлатларнинг 14 та университет ва институтларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, вилоятларда ташкил этилган республика олий ўқув юртларининг 23 та бўлими ҳам иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги олий таълим масканларида 373 минг 500 га яқин ёшларимиз таълим олмоқда. Улардан 168 минг 470 нафарини, яъни 45,1 фоизини қизлар ташкил этиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мамлакатимизда болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар нафақат юртимиз аҳолиси, балки халқаро ҳамжамият, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бу борада баъзи мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Охирги икки йилда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш ҳажми 2 баробар оширилди.

Қиёслаш учун айтадиган бўлсак, агар 2014-2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик учун жами 3 триллион 800 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, биргина 2018 йилнинг ўзида эса бу кўрсаткич 3 триллион 361 миллиард сўмни ташкил этди.

Ўйлайманки, мана шу рақамларнинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Бундан ташқари, янги ташкил этилган Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан йиллик тўлови 7 фоиз бўлган имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. Бу мақсадлар учун ўтган йили 50 миллиард сўм ажратилди. Бу эса аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда, ҳунармандлик, касаначилик, томорқа хўжалиги билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиб беришга хизмат қилади.

Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жойларда 2018 йилда 2 мингдан зиёд кичик цех ташкил этилиб, 18 мингга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда "Устоз-шогирд" тизими асосида ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу тажрибани барча ҳудудларда қўллаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳудудларда зўрликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича 155 та марказ, "Ишонч телефонлари" ташкил этилди.

Хабарингиз бор, ўтган қисқа даврда юртимизда уйма-ўй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ушбу тизим асосида 2018 йилда 47 минг 690 нафардан ортиқ оғир шароитда яшаётган, шунингдек, 13 минг 344 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммолари жойида ўрганилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ана шундай хотин-қизларнинг 14 минг 750 нафардан зиёдига тиббий ёрдам кўрсатилди, 13 минг 636 нафари ишга жойлаштирилди, 24 минг 660 нафардан ортиғига 21 миллиард 540 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Шу тоифага мансуб, уй-жойга эҳтиёжи бўлган опа-сингилларимизга 4 мингга яқин арзон уй-жойлар топширилиб, давлат томонидан уларнинг бошланғич бадаллари тўлаб берилди. Ана шу турар жойлар атрофида тикувчилик цехлари ташкил этилиб, қарийб 1 минг нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Биз бу ишларни бундан буён ҳам албатта изчил давом эттирамиз. Жумладан, 2019 йилда 1 минг 576 нафар шароити оғир хотин-қизлар уй-жойлар билан, шу тоифага мансуб 13 минг нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланади.

Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан оғир шароитда яшаётган, ногиронлиги бўлган 1 минг 460 нафардан зиёд хотин-қизларга арзон уй-жойлар учун 54 миллиард 580 миллион сўмдан ортиқ бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Албатта, ҳақиқатан ҳам кўмакка муҳтож бўлган бундай аёлларга кейинги 10 йилда арзон уй-жойлар берилганини ҳеч ким эслай олмаса керак. Чунки бундай тизимнинг ўзи йўқ эди.

Шунингдек, жорий йилда оғир ижтимоий аҳволда яшаётган, ногиронлиги бўлган 15 минг 282 нафар аёлга тиббий ёрдам кўрсатилади. Шу тоифага кирадиган 10 мингга яқин хотин-қиз ногиронлик аравачаси, эшитиш ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминланади.

Аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин **ўзининг уй-жойига, иш ўрнига эга бўлган ҳар бир аёлнинг ортида оиласи, фарзандлари, ота-онаси, яқинлари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қанча хонадонга қувонч киргани, қанча одамнинг руҳи кўтарилиб, уларда ҳаётга, келажакка ишонч пайдо бўлгани биз учун энг муҳим натижадир.**

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Барчангиз яхши биласиз, халқимиз, миллатимиз қиз фарзандларини доимо асраб-авайлаб, меҳр билан вояга етказади. Уларни "она қизим" деб ардоқлайди. **Чиндан ҳам, қизларимиз – бизнинг келажагимиз, миллатимиз генофондини асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонлардир** ва уларни жисмоний ҳамда маънавий баркамол этиб тарбиялаш – эзгу бурчимиз.

Айниқса, ҳозирги кунда қизларимизга замонавий таълим, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, оилага тайёрлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда барча таълим масканлари ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган **"Қизларжон"**, **"Қиз бола ва ёш оила"**, **"Мустақил ҳаёт остонасида"**, **"Ораста қизлар"** каби клублар фаолиятини реал ҳаётга, ёшларимизнинг орзу-интилишларига янада яқинлаштириш керак, деб ўйлайман.

Шу ўринда яқинда Наманган вилоятида айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман.

Агар сиз фарзандингизга данғиллама уй қуриб берсангиз – вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз – уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз – уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва ҳунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган хазинадан.

Мен юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган **"Энг яхши китобхон"** кўрик-танловини мунтазам кузатиб бораман. Бу беллашувларда қизларимизнинг энг юқори ўринларни эгаллаётгани уларнинг интеллектуал салоҳият ва тиришқоқлик бобида ҳаммани қойил қолдираётганидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **"Қизлар кутубхонаси"** номли мобиль илова яратилиб, ишга туширилгани эътиборга лойиқ.

Бугунги кунда буюк шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиз сони 283 нафарга етди. Уларнинг кўпчилиги ҳокимиятлар, турли вазирлик, идора ва ташкилотларда, оммавий ахборот воситалари, таълим-тарбия соҳасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Бу мукофотнинг энг катта аҳамияти шундаки, унга сазовор бўлган ҳар бир қизимизга юзлаб, минглаб ёшлар ҳавас қилиб, уларга эргашади. Ёшлар учун ибрат тимсоли – етакчилик, лидерлик тимсоли пайдо бўлади. Энг муҳими, бундай ибрат ўз қизларимиз орасидан, ўзимизнинг маънавий муҳитдан етишиб чиқмоқда. Уларни кўриб, ёшларимизда **ўзига, ўз кучи ва салоҳиятига ишонч, келажакка интилиш пайдо бўлмоқда.**

Мана, бугунги даврамизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги янги совриндорлари ҳам иштирок этмоқда. Бугун сизларнинг ҳузурингизда уларга ана шу мукофотларни тантанали равишда топширамиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Барчамиз яхши тушунамизки, биз бундай йиғилишларда нафақат ютуқларимиз ҳақида гапиришимиз, айни вақтда камчилик ва нуқсонларимиз ҳақида ҳам очиқ-ошкора сўз юритиб, уларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда излашимиз зарур.

Такрор айтаман, халқимиз, аввало, сиз, ҳурматли опа-сингилларимиз билан маслаҳатлашиб иш олиб борсак, хато албатта кам бўлади.

Шу маънода, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида туриши лозим. Бу борада, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган шахслар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш масканларидан озод қилинган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, муқаддам судланган, диний экстремистик оқимга дахлдорликда гумон қилинганлар рўйхатидан чиқарилган 3 минг нафардан зиёд аёл ва нотинч оилаларда яшаётган хотин-қизларга амалий ёрдам беришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айни вақтда судларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хотин-қизлар қўмиталари вакиллари **жамоатчилик асосида ҳимоячи** бўлиб иштирок этмоқда. Бундай янги амалиёт натижасида 2018 йилда жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 893 нафар хотин-қиз кафилликка олиниб, жазодан озод этилди.

Оилавий муаммолар туфайли келиб чиқадиган жиноятларни кескин камайтириш мақсадида 10 минг 14 та нотинч оила билан профилактика ишлари олиб борилди ва 71 фоиз шундай оиланинг нотинчлиги бартараф этилди.

Хотин-қизлар, маҳаллалар, профилактика инспекторларининг ҳамкорликда олиб борган ишлари ва кўрилган чоралар натижасида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик 2018 йилда 34 фоизга камайганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, Олий суд билан Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида меморандум имзоланиб, ажрашиш учун ариза берган шахсларни дастлаб Хотин-қизлар қўмитасида суҳбатдан ўтказиш ва ажрим юзасидан хулосасини олиш йўлга қўйилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари ўзаро ҳамкорликда олиб борган ишлар туфайли 2018 йилда ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 26 мингга яқини яраштирилди. Энг муҳими, бунинг натижасида 36 минг 500 нафарга яқин бола ота ёки она меҳридан жудо бўлишдан сақлаб қолинди.

Юртимизда тўғри йўлдан адашган инсонлар бўлмаслиги учун бу борадаги ишларни **жаҳолатга қарши маърифат** асосида изчил давом эттиришимиз зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга, бугун мени эшитаётган барча юртдошларимизга даъват қилиб айтмоқчиман: халқимиз, Ватанимиз тақдири ва келажагига бевосита дахлдор бўлган бу масалада ҳеч ким бефарқ бўлиб четда турмаслиги керак. Бу борада нафақат хотин-қизлар қўмиталари, нафақат маҳалла фаоллари, балки барчамиз биргаликда қаттиқ иш олиб борсак, вазият ижобий томонга албатта ўзгаради.

Бу мақсадга эришишда биз хотин-қизларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечиш, орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор имкониятларини ишга соламиз. Сиз, азиз опа-сингилларимиз бу масалада аввало ўзларингиз ташаббускор бўлиб, фаол иштирок этасизлар, деб ишонаман.

Муҳтарам дўстлар!

Сизларга маълумки, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар учун **"Мўътабар аёл" нишони** таъсис этилган эди. Бу йил 8 март байрами арафасида ушбу мукофот билан 260 нафар опа-сингилларимиз тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни сизларнинг номингиздан, ўз номимдан самимий табриклайман.

Бугунги байрам муносабати билан Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги муносиб хизматлари учун хотин-қизларимиздан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида ўзининг ноёб истеъдоди билан Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этган атоқли олимларимиз, шоир ва адибларимизнинг садоқатли умр йўлдошлари ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Уларнинг кўпчилиги бугунги даврамизда иштирок этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг илмий ва адабий мактабини яратган улкан олим ва ижодкорнинг рафиқаси бўлиш осон эмас. Буни билган билади, билмаганлар билиб қўйса, фақат фойда бўлади.

Мана шундай меҳрибон, оқила, зукко опа-сингилларимиз ўз умр йўлдошлари – машҳур илм-фан ва адабиёт намояндаларини доимо қўллаб-қувватлаб, уларга илҳом бағишлаб келганлари, маънавий таянч бўлиб, фидойилик намунасини кўрсатганлари ҳар қандай юксак таҳсинга лойиқ.

Юксак унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган опа-сингилларимизни, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги муваффақиятлар, оилавий бахт тилайман.

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар!

Биз сизларнинг мана шундай очилиб, ҳаётдан рози бўлиб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Истаймизки, мана шундай қувончли кунларимиз кўп бўлсин!

Барчангизни бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Салямова Назира — Тошкент шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фонди раҳбари

Хашимова Улмас Пахритдиновна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдирова Тазахан Мамбеткаримовна — «Қўнғирот сода заводи» масъулияти чекланган жамиятининг цех аппаратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абидова Мухаббат Фазиловна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Алиева Зухрахон Каримовна — Қува тумани «Қува ҳаёти» газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

Арипова Тамарахон Уктамовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иммунология ва инсон геномикаси институти директори

Арсланова Наргиза Муталовна — Тошкент шаҳридаги «Akfa Dream World» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти

Базарова Матлуба — Бухоро вилояти ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази раҳбари

Кушбаева Шарапат — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Қосимова Олмахон Иминджановна — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришни созлаш ва техник ҳисоб-китоб бўлими муҳандиси, Сирдарё вилояти

Максудова Зулпия Рузиматовна — Тошкент шаҳридаги «DMC» инновацион кўп тармоқли клиника директори

Мухитдинова Мукарам Ишановна — «Нуроний» жамғармасининг Марказий Кенгаши фахрий аёллар билан ишлаш гуруҳи раҳбари ўринбосари

Салахитдинова Мухаррам — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Султанова Сайёра Умаровна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Хабибуллаева Элеонора Рахматжановна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Азимова Гулрано Зухуровна — Юнусобод туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 87-мактаб директори, Тошкент шаҳри

Эралиева Малика Махкамовна — Янгиқўрғон туманидаги 59-оилавий поликлиника мудири, Наманган вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдусаттарова Шоира Қаҳрамоновна — Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри

Азимова Раъно Усмановна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон

Атаматова Хадича Саломовна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Даулетова Гулистан Отемисовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси

Дурдиева Гавхар Салаевна — Хоразм Маъмун академияси жанубий Оролбўйи тарихий меъморий ёдгорликларини синаш ва таъмирлаш лабораторияси мудири, Хоразм вилояти

Кошимбетова Кутли Абдуллаевна — Қўнғирот туманидаги «Қорақалпоғистон» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Кучарова Дилдора Лутпуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг ўринбосари

Мамуржонова Мастурахон Анваровна — «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Узун тумани бўлими раҳбари, Сурхондарё вилояти

Матякубова Парахат Майлиевна — Тошкент давлат техника университетининг метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси мудири

Мусаева Сайёра — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Мухторова Назира Абдусаттаровна — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси

Отаева Фароғат Мўминовна — Миришкор туманидаги «Янги Миришкор агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти

Пак Рита Исековна — Ўзбекистон корейс маданий марказлари уюшмаси раисининг ўринбосари

Сативалдиева Танзила Мансуровна — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи сувли эритмалар электролизчиси, Тошкент вилояти

Содикова Масудахон — Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо-СДА» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси директори, Наманган вилояти

Тулекова Зиба Толибековна — Томди тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Навоий вилояти

Тухтабоева Очахон Турабоевна — Сўх тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Фарғона вилояти

Хайдарова Нилуфар Анваровна — Андижон шаҳридаги «Zahiriddin Muhammad Bobur Universal Academy» нодавлат таълим муассасаси директори, Андижон вилояти

Шариатулаева Марям — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Шарифходжаева Лолахон Усмановна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Юсупова Хадия — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Бобожонова Нигора Юсуповна — Мирзачўл туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Жиззах вилояти

Жураева Шоира Шониёзовна — Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри бош балетмейстери

Комалова Мехринисо Нафасовна — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Яккабоғ тумани Кенгаши раисининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Кушчанова Нигора Кучкаровна — Урганч шаҳридаги «Хоразм технология» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Одилова Гулноза Комилжоновна — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Орипова Ойимхол Ахмедовна — Нурота туманидаги «Мурувват» ногирон эркаклар учун интернат уйи катта ҳамшираси, Навоий вилояти

Отахонова Одинахон Иномовна — Шаҳрихон туманидаги «Иномжон файз» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Садикова Дилбар Юсупжоновна — Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси, Тошкент вилояти

Садуллаева Рано Шавкатовна — Сирдарё туманидаги «Сирдарё универсал ойна» масъулияти чекланган жамияти техник-назорат бўлими оператори, Сирдарё вилояти

Тошова Мойра Набиевна — Бухоро шаҳридаги «Шайх-ул Олам» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг геномика ва биоинформатика маркази лаборатория мудири

Хамдамова Мавлуда Норимовна — «Ҳунарманд» уюшмасининг Самарқанд вилояти бошқармаси «Устоз-шогирд» мактаби раҳбари

Юлдашева Зулфия Кураловна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 март

ЎзА фотолари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 2 мартдаги ПҚ-4218-сонли қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Каипназарова Сапура Жалгасбай қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Тулиева Сарвиноз Абдулла қизи — Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали қошидаги Тўрткўл академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Мухторжонова Хуснигул Нодирбек қизи — Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси

Тожиддинова Ойгул Фозилжон қизи — Андижон вилояти Избоскан туманидаги «Айгул-текстиль» ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Остонова Севарахон Саид қизи — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Истамова Дилафрўз Ойбек қизи — Тошкент давлат юридик университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Йўлчиева Зуҳра Умматқул қизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Умарова Сабина Султон қизи — Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси

Алишерова Эъзоза Жамшид қизи — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Шукурова Моҳигул Боқиевна — Тошкент давлат аграр университетининг 3-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Абдуллаева Рухсора Собировна — Навоий давлат кончилик институтининг 4-босқич талабаси

Куватова Гулбону Муродуллаевна — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Конимех тумани Кенгаши бош мутахассиси (Навоий вилояти)

Абдулхамидова Гулшодабегим Камолиддин қизи — Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Исманова Азизахон Махаммадали қизи — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Расулова Ҳилола Комил қизи — Самарқанд шаҳридаги 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Қаноатова Мадина Рафиқ қизи — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Эргашева Шохиста Алижон қизи — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 1-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Зулфиқорова Азизахон Баҳодир қизи — Гулистон давлат университетининг 4-босқич талабаси

Астанакулова Камилла Шухратовна — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Алиқулова Дилдора Шухрат қизи — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Шерзодова Хулкар Шерзод қизи — Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Осипова Светлана Валерьевна — Тошкент вилояти Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси

Қурбонова Мохидил Улуғбек қизи — Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси

Рўзибоева Паризода Муродали қизи — Фарғона вилояти Қўқон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Отабоева Дастагул Азимбой қизи — Хоразм вилояти Урганч санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Машарипова Зумрад Қучқорбоевна — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Умарова Нигорахоним Нуъмонжон қизи — Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг 3-босқич талабаси

Асадова Дилноза Жовлиевна — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 9-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, масъул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Устувор халқаро рейтинг ва индексларни комплекс равишда кўриб чиқиш ва яхшилаш борасида ижро самарадорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган тегишли чора-тадбирларни тизимли мувофиқлаштириш лозимлигини инобатга олган ҳолда:

Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловадаги таркибга мувофиқ тузилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига **халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича** масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари (кейинги ўринларда — молия вазири ўринбосари) лавозими киритилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг сони қўшимча 10 та штат бирлигидан иборат **Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси** (кейинги ўринларда — Бошқарма) ташкил этилсин ва юқори малакали кадрлар билан тўлдирилиши таъминлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) **Комиссия** халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш доирасида:

ҳар ойда камида бир маротаба йиғилади;

мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун устувор йўналишларни белгилаб беради ва амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб боради;

тегишли қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини вазирлик ҳамда идоралар томонидан сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди, шунингдек, уларнинг ойлик ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда камида бир маротаба ҳисобот тақдим этади;

б) **молия вазири ўринбосари**: халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида мутасадди вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлигини, уларга юклатилган вазифаларни самарали ва сифатли бажариш учун услубий ва консультатив ёрдам кўрсатишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида, шу жумладан, Раёсат мажлисларида, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар беради;

в) **Бошқарма** Комиссия ишчи органи бўлиб, мутасадди вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этади ва зарур маълумотларни умумлаштиради, бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди ва Комиссияга тақдим қилади;

халқаро рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар, рейтинг агентликлари, маҳаллий ҳамда халқаро эксперт, консультант ва мутахассислар билан тўғридан-тўғри ишлайди, шу жумладан, уларни республикага таклиф қилади ва олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами билан яқиндан таништиради, чет элда соҳага оид тадбирларда мутахассислар иштирокини, давра суҳбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкиллаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси билан устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш учун комплекс чора-тадбирларни белгилаш юзасидан яқиндан ҳамкорлик қилади;

тегишли таклифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади;

г) халқаро рейтинг ва индексларнинг маълумот базаларидан фойдаланиш, зарур ахборот материалларини олиш, ушбу рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро эксперт, консультант ва мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади**.

3. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари:

тегишли халқаро рейтинг ва индекслар бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда шахсан масъул этиб белгилансин;

икки ҳафта муддатда жорий йилнинг 1 сентябрига қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Комиссиянинг ишчи органига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 март

Энг фаол адолатчи аёл

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани бу борадаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Шунингдек, аёлларнинг давлат ва жамият ишидаги иштирокини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимиз томонидан 2018 йилда қабул қилинган "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон, "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган истиқболли ўзгаришлар, тарихий ислоҳотларда юртимиз хотин-қизлари ҳам фаол иштирок этиб, халқ фаровонлигига ва она Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 18 нафари сенатор, 19 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, минг нафардан зиёд опасингилларимиз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кафолатлашга қаратилган устувор вазифалар ўз аксини топган. Бугунги кунга келиб сафдошларимизнинг 50 фоизини хотин-қизлар ташкил қилмоқда.

— "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танловининг мақсади ҳам жамиятда аёлларнинг ролини янада кучайтириш ҳамда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, партия сафидаги энг фаол, ташаббускор, жамоа ва оилада намуна кўрсатаётган аёлларни аниқлаш ва уларни муносиб рағбатлантириш, уларнинг ибратли ишларини оммалаштиришга қаратилган, — дейди партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Райҳона Ўрмонова. — Танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида турли касб эгалари бўлган 800 га яқин хотин-қизлар иштирок этди.

Ғолибларни аниқлаш иштирокчилардаги ташаббускорлик, дунёқарашнинг ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлиги, сиёсий савводхонлик, умумбашарий, миллий ва ижтимоий қадриятларни яхши ўзлаштирганлик, амалга оширган лойиҳалари, ҳамкорлик ишлари жамоатчилик томонидан эътироф этилишига оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш асосида амалга оширилди.

Ўз ҳудудида ғолиб бўлган барча сафдошларимизнинг партия тизимида оммалаштирса бўладиган ибратли ишлари борлиги диққатга сазовор.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, Самарқанд вилояти иштирокчиси, журналист Наргиза Юнусова 1-ўрин, Қашқадарё вилоятидан Қарши туманидаги 69-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилрабо Чориева 2-ўрин, Андижон туманидаги ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежи директори Жанона Раҳимова 3-ўринга сазовор бўлишди.

Ғолиблар Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг I, II, III даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шу билан бирга, кўрик-танловнинг бошқа барча иштирокчилари ўз иқтидор ва қобилиятига кўра турли номинациялар бўйича партиянинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
журналист

Муқаддам БЕКМУРОДОВА,
Тошкент вилояти босқичи ғолиби,
ЎзДЖТУ ҳузуридаги Ангрен академик лицейи ўқитувчиси:

— 2018 йилда партиямизнинг "Таълим сифати — партия нигоҳида" лойиҳаси доирасида мактаб дарсликларидаги хатоликлар ва турли тиллардаги ўқув қўлланмаларидаги тафовутлар ҳамда бу китобларнинг сифат даражаси ўрганилди. Ангрен шаҳрида тузилган ишчи гуруҳ таркибида таълимдаги ушбу муаммоларни ўрганар эканман, яна бир савол туғилди. Дарсликлар сифатини ўргандик, хўш, ўқувчилар фойдаланаётган ўқув қуроллари сифати-чи? Тўғри, мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги сабабли ўқув қуроллари тадбиркорлар томонидан истеъмолчиларга етказиб берилади.

Ўқув қуроллари бирор жиҳатдан болалар соғлиғига зарар етказмаслигини мутахассислар билан биргаликда ўрганиб кўрдикми? Дейлик, дафтарлардаги чизиқлар яхши кўринмаса, боланинг кўзига бу ҳолат қандай таъсир қилади, улар фойдаланаётган пластилинлар терида аллергик хусусиятлар уйғотмайдими? Юртимизда ўқув қуролларининг сифатини аниқлашга доир тегишли стандартлар белгиланганми?

Маълумки, ўқув қуроллари сифат даражасини белгиловчи халқаро стандартлар мавжуд. Лекин ҳали юртимизда бунга доир стандартлар борлиги тўғрисида маълумот топа олмадим.

Шунинг учун танловда фарзандларимиз фойдаланаётган ўқув қуроллари сифатини партиямиз лойиҳаси асосида мутахассислар иштирокида ўрганиш таклифини илгари сурдим. Бундай ўрганишлар орқали ўқув қуроллари сифати меъёрлари бўйича стандарт қабул қилинишига замин яратилиши мумкин. Шу билан бирга, ўқувчиларда учраши эҳтимоли бўлган айрим касалликларнинг олди олинади.

Яна бир масала. Маълумотларга кўра, дунёда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши оқибатида ҳар йили юз минглаб одам вафот этар экан. Галдаги таклифим шу мавзуга доир бўлди. Яъни боғчаларда партиямиз ташаббуси билан ташкил этиб келинаётган шахмат-шашка майдончалари ёнида жойлардаги ички ишлар бўлинмалари билан ҳамкорликда йўл ҳаракати хавфсизлиги майдончалари ҳам барпо этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида фарзандларимизни болалигидан бошлаб қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, уларда белгиланган тартиблар, қонун-қоидаларга амал қилиш зарурлигини сингдиришга эришамиз.

Наргиза ЮНУСОВА,
журналист, республика кўрик-танловининг 1-ўрин соҳиби:

— Биз оилавий "Адолатчи"лармиз. Онам билан маслаҳатлашган ҳолда Тайлоқ туманида аёллар саломатлигини яхшилаш мақсадида "Жозибадор аёллар" спорт клубини ташкил этдик, соғлом овқатланиш саломатлик мезони эканлиги сабабли "Соғлом овқатланиш — саломатлик гарови" лойиҳасини кенг тарғиб этмоқдамиз.

Танловга тайёргарлик кўрар эканман, "Адолат" партиясини сиёсий куч сифатида қандай тасаввур қиламан?", "Партия фаолиятининг қайси жиҳатларига янада эътиборни кучайтириш зарур?" деган саволлар устида яна жиддийроқ ўйлаб кўрдим.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқсак, партиянинг барча бўғиндаги тузилмалари, депутатлари мамлакатимиз тараққиёти йўлида ягона сиёсий платформада туриб ҳаракат қилишлари ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Очиғини айтганда, биз сиёсий йиғилишларда БПТларнинг мавқеини, ишчанлигини ошириш лозимлиги ҳақида кўп такрорлаймиз. Лекин кутилган даражада натижа бўлмаяпти. Аввало, БПТларнинг аҳоли ўртасидаги ўрганишларида аниқланган муаммолар маҳаллий Кенгашдаги партия депутатлари томонидан тўлалигича ҳал этилиши, ижтимоий аҳволни ўнглашда БПТларнинг жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Шу мақсадда маҳаллий Кенгаш депутатларининг қабулхоналарини айнан БПТларда ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди. Шундагина депутатлар жойлардаги ижтимоий аҳволдан тўлиқ хабардор бўлиб, муаммоларни ўз жойида ҳозиржавоблик билан ҳал этиш имконига эга бўлади.

Яна бир масала. Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шаҳар, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг кам таъминланган қатлами учун арзонлаштирилган уй-жойлар қурилмоқда. Партия дастуридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда ушбу замонавий турар жойларда қайта тикланувчи энергия манбалари жорий этилишини шарт қилиб қўйиш, бунинг учун архитектура ва қурилиш идоралари зиммасига аниқ вазифалар юклатишга эришиш зарур. Интернет хабарларидаги маълумотларга кўра, Хитойда 12 фоиз аҳоли қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланар экан. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 0.02 фоизга ҳам етмаяпти. Демак, "адолатчи"лар ушбу соҳада ҳам партиявий тарғиботлар билан чекланиб қолмасдан янада кўпроқ амалий ишларга ўтиши керак, деб ҳисоблайман.

Дилрабо ЧОРИЕВА,
Қарши туманидаги 69-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, республика кўрик-танловининг 2-ўрин соҳиби:

— Бир неча йилдан буён педагогика соҳасида ишлаб, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ишига ҳисса қўшишга интиларяпман. Таълим йўналишига оид бир неча қўлланмалар ёздим, матбуот нашрларида ҳуқуқий мавзуда ҳамда педагогика соҳасига оид илмий қарашларим акс этган мақолаларим чоп этилган.

Ўз уймида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг иқтидорли, илмга чанқоқ болалари учун бепул қўшимча дарс ўтишни йўлга қўйдим. Буни хайрли иш демоқчи эмасман, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга қўлидан келган ёрдамни аямаслик ҳар бир педагогнинг бурчи, деб биламан. Аслида ҳар бир фандан дарс машғулотидаёқ ўқувчи зарур билим олиши лозим. Аммо ўқувчилар сони, уларнинг ўзлаштириш даражаси ҳар хил эканлиги ўқитувчининг кўпроқ вақтини олиб қўяди. Бу эса иқтидорли болалар билан дарсдан ташқари вақтда алоҳида шуғулланиш, уларнинг ўзи ҳам мустақил ўқишига жиддий зарурат пайдо қилади. Балки бунга бошқа бирор аниқроқ ечимлар топиш керакдир. Шу маънода олий ўқув юртларига қабул квоталари йилдан-йилга ошиб бораётганлиги умумтаълим мактаблари сонининг ошишига замин яратади, деб ўйлайман. Бу масалада партиямиз ғояларидан келиб чиқиб, депутатларимиз мутахассислар билан ҳамкорликда аниқ таклифлар ишлаб чиқиши айни муддао деб биламан. "Адолат" СДП вилоят кенгаши томонидан уюштирилаётган тадбирларда шулар ҳақида ҳам фикрлашамиз.

Мамлакатимизнинг дунёда нуфузи ортиб бормоқда, ҳамкорликлар кенгаймоқда. Бу жараёнда юртимиз педагоглари ҳам дунёга ўз сўзнини айтиб туриши мақсадга мувофиқдир. Ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан хорижий матбуот нашрларида ҳам ўз мақолаларим билан мунтазам равишда иштирок этаяпман. Дунё ёшлари бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, иқтидорли болаларни излаб топиш, тарбиялаш борасидаги кузатишлар ўз аксини топган мақолаларим хориж матбуотида доимий равишда ёритиб келинади.

Дилдора ОХУНОВА,
Наманган вилояти босқичи ғолиби:

— Кейинги йилларда "Адолат" социал-демократик партияси туманимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаоллашди. Сафдошларимиз сони ҳам ортиб бормоқда. Чунки партия ғоя ва мақсадларининг жозибадорлиги, Сайловолди дастурида кўпчилик учун аҳамиятга эга бўлган масалалар кўтарилганлиги одамларда қизиқиш уйғотмоқда.

Очиқ мулоқотлар кенг йўлга қўйилган бугунги кунда, айниқса, партия депутатлари фуқароларнинг фикр ва таклифларини ўрганиб, ўз амалий ишларида бу таклифлардан фойдаланишга интилаётгани айни муддао бўлмоқда. Бу жараёнда сафдош опа-сингилларимизнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Мингбулоқ туманидаги 22-умумтаълим мактабида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлайман. Иш асносида мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари-ю, ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш, ҳамжиҳатликда ишлашга тўғри келади. Глобаллашув шароитида ёш авлод таълим-тарбияси шуни тақозо этади. Ким билан фикрлашсак ҳам фарзандларимизни илм-маърифатли қилиш, китобхонлик мавзуси етакчилик қилади. Китоб, газета-журнал ўқийдиган ота-она фарзандига чинакам ибрат бўла олади. Қайси соҳада бўлмасин, китобхон раҳбарларгина мактаб таълиминнинг моҳияти ва аҳамиятини, жамият ҳаётига, тараққиётга таъсирини яхши тушунади.

Фарзандларимизга ниманингдир зарари ҳақида тушунтирар эканмиз, уларга фойдали машғулотни таклиф қила олишимиз зарур. Бир нарса аён, китоб ўқийдиган, фанларни яхши ўзлаштирадиган ўқувчининг тарбияси яхши бўлади. Уйда ҳам, мактабда ҳам илм-маърифат, китобхонлик муҳити қарор топиши, ҳар бир хонадонда мўъжазгина кутубхона бўлиши лозим. Афсуски, баъзан оилавий тадбирлар, маиший муаммоларга ота-оналар, айниқса, аёллар кўпроқ вақт ва маблағ ажратишлари ҳамон давом этмоқда. Бу эса таълим-тарбияга салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, "ибрат" маъносида бу ҳол янада ачинарли тус олади. Шуларни назарда тутиб, партиямиз фаоллари тарғибот тадбирларида ана шулар ҳақида ҳам сўз юритмоқда.

Сурайё УСМОНОВА,
Сирдарё вилояти босқичи ғолиби:

— Хотин-қизларнинг сиёсий соҳадаги билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида ташкил этилган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" республика кўрик-танловида иштирок этиш биз аёлларга ўзимизнинг куч ва имкониятларимизни кўрсата олиш, иқтидоримизни рўёбга чиқаришдаги роли билан ҳам қимматли бўлди.

Қатнашувчи сифатида таассуротларимни ифодалайдиган бўлсам, сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги билим ва тажрибаларим ортди. Мактаб таълимига оид миллий қонунчилик асослари, белгиланган ҳар бир меъёр мазмунини нафақат касбдошларимиз, балки ўқувилар ва уларнинг ота-оналари ҳам зарур даражада билиши лозимлиги ҳақида беллашув иштирокчилари билан фикрлашганим айни муддао бўлди. Бу масалада партия депутатлари билан биргаликда иш олиб боришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Кўпчиликка маълумки, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг маънавияти ҳақида ижтимоий тармоқларда бир қатор чиқишлар бўлмоқда. Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она муносабатлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, пировардида бу таълим сифатига жиддий таъсир қиладиган ҳаётий омил саналади. Уларнинг ҳар бири ўз бурч ва мажбуриятларини бажариши шарт. Ўз бурч ва мажбуриятларини бажармаслик қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини ҳар биримиз яхши англаб олишимиз лозим. Таълим-тарбия жамият тараққиёти, соҳалар ривожланишида, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишида кўзланган натижаларни бериши, турли муаммолар пайдо бўлишининг олдини олишда ҳам бу норматив-ҳуқуқий меъёрларни амалиётда қўллаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мехринисо МУҲАММАДИЕВА,
Бухоро вилояти босқичи ғолиби:

— Танлов ўз устимда ишлаш, билим ва дунёқарашимни бойитишда кўмак берди. Шу билан бирга, бу иш фаолиятимга ҳам ижобий таъсир қилмоқда. Ёшлар билан ишлаш, уларни жамиятда фаол бўлишга, ўз билимларини мустаҳкамлашга ундаш ҳам лидерлик қобилияти ва маҳорат талаб қиладиган жараён саналади.

Кўрик-танловда намойиш этган партия лойиҳасига доир тақдимотимда экологик муаммоларнинг олдини олиш, мактабда ижтимоий тенгликни таъминлаш, ёшларнинг инновацион қарашларини шакллантириш билан боғлиқ таклифларга алоҳида эътибор қаратдим. Хусусан, бугунги кунда ҳар бир педагог инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли таълим беришга ҳаракат қилиши лозим. Шундагина ўқувчининг замон билан ҳамнафас яшаши ҳамда билим доираси кенгайишига эришамиз.

Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан бу сингари кўрик-танловларнинг ташкил этилиши нафақат иштирокчиларнинг, балки тадбирда қатнашган барча мухлисларнинг сиёсий фаоллигини, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини оширади. Танлов жараёнида сиёсий фаоллик ҳар биримиз учун муҳим мезон эканига яна бир бор амин бўлдик.

Жанона РАҲИМОВА,
Андижон туманидаги ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежи директори, республика кўрик-танловининг 3-ўрин соҳиби:

— Олий ўқув юртини тамомлагач, журналист сифатида тайёрлаган илк мақолам оила мавзусига бағишланганди. Ўшанда устозларим оила мавзусини ёритиш, аёл ҳақида сўз айтиш қанчалик қийинлигини айтиб, танлаган қаҳрамонинг ким бўлмасин, халқимизнинг аёлларга бўлган муносабати, ҳурматини ёдда тут, деб уқтиришганди.

Йиллар ўтиб, кўплаб опа-сингилларимиз билан суҳбатлашдим, улар ҳақида материаллар тайёрладим. Шунда билдимки, аёллик масъулиятини бир сўз билан ифодалаб бўлмайди, у аёл ва оналик мартабаси билан бирга жамиятнинг фаол аъзоси.

Ўзбекистон "Адолат" СДП сафига киришимга андижонлик сиёсатчи хотин-қизларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги сабаб бўлганди. Ўзимда уларнинг сафига қўшилиш истаги туғилди. Чунки "Адолат" номи билан жамоатчилик орасига кириб боришнинг ўзи ярим ютуқ, агар бошқаларни ўз ортингдан эргаштира олсанг, бу тўла ютуқ дегани.

Оилани, аёлнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, қизларни турмушга тайёрлаш партия аъзоси сифатидаги фаолиятимда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада Андижон шаҳридаги МФЙлар ва ўзим раҳбарлик қилаётган Андижон тумани ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежи жамоаси билан биргаликда иш олиб боряпмиз. Жамоатчилик билан мулоқотлар давомида бир нарсага амин бўлдим. Агар аёл зукко бўлса, оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини топади.

Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида ўтказилган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танлови бу борада мен учун яна бир синов бўлди. Танловда ғолиблар қаторидан ўрин олишим зиммамдаги масъулиятни янада оширди. Ва бир хулосага келдим: Биз ҳар бир ишда ташаббускор, фаол бўлишимиз керак.

ЧОРШАНБА — ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ КУНИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Адолат – қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида ҳудудларда партия фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат ишчи гуруҳлари ҳар ҳафтанинг чоршанба куни жойларда фуқаролар, ишчи-хизматчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Бунда ҳар ҳафтада биттадан маҳалла ҳудудида жойлашган хонадонлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва ижтимоий объектларнинг ҳолати, улардаги мавжуд муаммолар аниқланиб, қонунлар ижроси қай даражада таъминланаётгани, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга эътибор қаратилмоқда.

Камчиликлар бартараф этилмоқда

Шу маънода **Самарқанд** вилоятидаги сафдошларимизнинг фаолиятига доир мисоллар келтириб ўтсак. Жумладан, Пайариқ туман партия кенгашидаги ишчи гуруҳи томонидан "Дўстларобод" маҳалласи аҳли билан мулоқот чоғида фуқаролардан Д.Эшқобилова, М.Раҳмонова тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлигини айтиб, банкдан кредит олиш тартиби тўғрисида тушунча беришни сўрадилар. Фуқаро Ш.Эгамова доимий иш топиш масаласида мурожаат этди.

Халқ банки Пайариқ туман кредит бўлими мутахассиси Б.Мустафоев фуқаролар Д.Эшқобилова, М.Раҳмоновага кредит олиш тартиблари ҳақида маълумотлар берди. Ишчи гуруҳи аъзолари туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари билан ҳамкорликда иш олиб боргач, фуқаро Ш.Эгамова тумандаги "Сутелло" фермер хўжалигига доимий ишга жойлаштирилди.

Яна бир мисол Тайлоқ туман партия кенгашидаги ишчи гуруҳининг "Олмазор" маҳалласида учрашув ўтказди. Ушбу маҳаллада яшовчи фуқаролар Соҳиба Тўқсонова, Ҳусан Мейлиқулов тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кредит олишда амалий ёрдам сўрашди.

Ушбу мурожаат юзасидан депутатлар тумандаги тижорат банклари билан ҳамкорликда С.Тўқсоновага 7 000 000 сўм ва Ҳ.Мейлиқуловга 9 000 000 сўм кредит ажратилишига эришдилар.

Сурхондарё вилояти Қизириқ туманида ҳам партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳи маҳаллаларда бўлиб, ечимини кутаётган муаммоларгани ҳал этишга интилмоқда.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг "Работак" маҳалласидаги очиқ мулоқотларида фуқаро Э.Бўриев хонадони электр токидан узилиб қолганлиги, фуқаро О.Жўраев эса синглиси Г.Жўраева биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамасдан тиббиёт ходимлари томонидан тиббий хизмат кўрсатилмаётганлиги тўғрисида шикоят қилишди.

Ишчи гуруҳи туман "Электр тармоқлари" корхонаси масъул ходимлари билан боғланиб, Э.Бўриевни ўйлантираётган муаммони бартараф этишди, унинг хонадони электр тармоғига уланди. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари фуқаро Г.Жўраева соғлиғидан доимий хабар олиб, унга тиббий хизмат кўрсатиладиган бўлди.

Фуқаролар мурожаатлари асосида аниқланган муаммоларни ҳал этишда **Тошкент шаҳар** партия кенгаши ҳам иш олиб бормоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида "Жанггоҳ" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро М.Ағзамова ишчи гуруҳига маҳаллада чиқиндиларни тозалашга зарурат пайдо бўлганини маълум қилди, мутасадди корхона шу вақтнинг ўзида муаммони ҳал этди.

Маҳалладаги 33-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Б.Саъдуллаев мазкур уйда иссиқ сув таъминоти ҳамда том носозлиги туфайли келиб чиқаётган камчиликлар юзасидан мурожаат қилди. Депутатлар аралашгач, маҳалладаги хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ходимлари бу камчиликларни бартараф этишди.

Албатта, мазкур ўрганишларда сайловчилар билан бевосита мулоқот ўтказилиб, муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиш орқали қонунлар ижроси устидан жойларда депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилмоқда.

Гулнисо САИДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси

Янги марраларга ундайди

МУНОСАБАТ

Ўтган ҳафтада вилоятимиз аҳли ҳаётида катта воқеа юз берди. Қиш фасли поёнига етиб, баҳор бошланаётган дамларда Наманганга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш асносида ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, пировард натижада халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш имконини берадиган истиқболли лойиҳаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қимматли йўл-йўриқ ва тавсияларни берди. Шу кунларда корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида юртдошларимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида режалар белгилаб, янада фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Президентимизнинг мулоқотларида улкан бунёдкорлик ишларининг самарасига юксак ишонч, эртанги кун порлоқ бўлишига умидворлик барқ уриб турибди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги "Art Soft Tex Group" корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу корхонада ҳозир 2 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган турли бичим ва рангдаги сочиқлар, халат, чойшаб ва бошқа маҳсулотлар ички бозордан ташқари Россия, Украина, Болгария, Молдова каби давлатларга ҳам жўнатилмоқда. Ўтган йилги экспорт ҳажми 9,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Тез орада "Art Soft Tex Group" фаолиятини кенгайтириб, кластер усулида ишлашга ўтади.

Яна бир йирик лойиҳа — Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси бўлиб, Фарғона водийси вилоятларида электр энергияси таъминотидаги барқарорликни таъминлайди. Объектда ҳозиргача лойиҳа доирасидаги ишларнинг 83 фоизи бажарилди. Шу кунларда бу ерда 2400 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий ишчи-хизматчилар бунёдкорлик ишлари билан банд. Қурувчилар йил охиригача ИЭСнинг ҳар икки энергоблогини фойдаланишга топшириш мақсад қилишган.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг аксариятида туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланган. Кейинги йилларда бу масалага Ўзбекистонда ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бу соҳа биринчидан, катта даромад келтиради. Иккинчидан, халқимизда тарихий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш орқали қадриятларимизга меҳр-муҳаббатни оширади. Наманганда ҳам мамлакатнинг бошқа минтақалари қатори сайёҳлик индустриясини ривожлантириш учун жуда яхши

имкониятлар бор. Кўпчиликнинг эътиборини жалб эта оладиган осори-атиқалар орасида Косонсой тумани маркази яқинидаги Муғ қалъаси харобалари, Наманган шаҳридаги Хўжа Амин мақбараси, Мулла Қирғиз мадрасаси, Отавалихон тўра масжиди ва бошқа ёдгорликлар бор. Улар аждодларимизнинг меъморчилик борасидаги иқтидор ва маҳоратларига қўйилган ҳайкалдай ҳозирги ва келгуси авлодлар маънавий дунёсини бойитиб туради.

Тўрақўрғон туманида, азим Сирдарё соҳилида жойлашган қадимий Ахсикент харобалари вилоятдаги тарихий ва маданий ёдгорликлар орасида алоҳида ўрин тутади. У милоддан олдинги даврларда ҳам аждодларимиз шаҳарсозлик борасида катта тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради. Айни вақтда мазкур археологик объект жаҳон илмий жамоатчилигининг ҳам эътиборини жалб этмоқда. Яқинда ташкил этилган "Ахсикент" тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва ўрганиш дирекцияси бу ердаги барча ишларни мувофиқлаштириб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан очиқ осмон остидаги тарихий мажмуа барпо этишга киришилган. Қадимий шаҳар сирларини чуқур ўрганиш мақсадида унинг харобаларида қазишма ишлари ҳажми кенгайтирилерда ўргансалар мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Наманган давлат университетида археология йўналишида кадрлар тайёрлаш таклифи ҳам берилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз раислигида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш ҳам барчанинг диққат марказида бўлди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда кенг жамоатчилик вакиллари қаторида фаолларимиз, партиямиздан сайланган депутатлар ҳам иштирок этдилар.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди, барча соҳада эришилган натижалар таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, бултур умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 577 ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилгани, инвестициялар ҳажми 1,7 баробар ошгани қайд этилди. Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда йўл қўйилаётган айрим камчилик ва нуқсонлар борлиги, айрим соҳаларда мавжуд имкониятлар ва резервлар тўла ишга солинмаётганлиги таъкидланди. Мисол учун, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши республика кўрсаткичидан икки марта паст бўлди, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайгани танқид қилинди.

Албатта, вилоятимиз аҳли Президентимиз кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини ўзи учун дастуриламал деб қабул қилди ва уларни оғишмай амалга оширишга жиддий киришди. Наманганликлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари, изланиш ва интилишлари билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилишган. Бу борада барча қатори партиядошларимиз ҳам ўрнак кўрсатадилар.

Исроил ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси

"Ахсикент — буюк тарихимиз кўзгуси. Боболаримиз яшаган, қаҳрамонлик кўрсатган бу манзилда тарихимизни тиклаш учун жуда катта манба, ўтмиш далиллари бор. Биз шу пайтгача фақат машҳур шаҳарларимиз тарихини ўргандик, бундай жойларга эътибор қилмадик. Маънавиятимизни юксалтирмоқчи бўлсак, ёшларимизни ота-боболаримизнинг асл меросидан баҳраманд этиб улғайтиришимиз, халқимизга етказишимиз керак".



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ — ХИЗМАТИДА

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

— Мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида халқ билан мулоқот қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ҳар бир ҳудуддаги реал ҳолат ва мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича тамомила янги тизимга асос солинди. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотларни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, мурожаатларнинг қонуний ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлашда самарали механизмга айланди.

Оҳангарон шаҳар Халқ қабулхонаси фаолияти мисолида оладиган бўлсак, 2018 йил давомида 1187 та мурожаат келиб тушди. Улардан 776 таси қаноатлантирилди, 411 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Агар 2017 йил ва 2018 йилдаги мурожаатлар сонини бир-бирига солиштирсак, 2017 йилда фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар сони 1830 тани ташкил этган, 2018 йилда бу кўрсаткич 1187 та. Яъни мурожаатлар сони 643 тага камайганига, уларнинг ҳал этилиш кўрсаткичи эса аксинча, йилдан-йилга ортиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Жорий йилнинг ўтган ойларида Оҳангарон шаҳар Халқ қабулхонасига 384 та мурожаат келиб тушди. Улардан 32 таси юқори, 32 таси ҳудудий ташкилотларга юборилди. Оҳангарон шаҳар Халқ қабулхонасининг ўзида 319 та мурожаат кўриб чиқилди. Умумий ҳисобда, ушбу мурожаатлардан 344 таси ижобий ҳал қилинди, 40 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. Икки ойлик натижага кўра, мурожаатларнинг 83 фоизи қаноатлантирилди.

Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталиб ўтсак. Гулбаҳор Раззоқова "Адолат" МФЙ 4-кичик туманда яшайди. Бу фуқаро Оҳангарон шаҳар "Сув-оқава" корхонаси томонидан асоссиз равишда қарздорлар рўйхатига қўшиб қўйилганидан норози бўлиб, Халқ қабулхонасига мурожаат қилган. Ўрганиб чиқиш жараёнида Г.Раззоқованинг ҳақли эътирозига "Сув-оқава" корхонасининг тегишли ходимлари панжа орасидан қараб келаётгани аниқланиб, асоссиз кўрсатилган қарздорлик бартараф этилди.

"Мустақиллик" МФЙ 4-кичик туманда истиқомат қилаётган Адолат Ҳусейнова эса пенсияга чиқиш масаласида муаммога дуч келган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, меҳнат стажи етмаганига сабаб аввал Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмасида ишлаган бўлса-да, меҳнат дафтарчасига ишлаган ойлари тўлиқ ёзилмаган. Ушбу мурожаат бўйича Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаси билан келишилган ҳолда А.Ҳусейновага ишлаган йиллари учун меҳнат стажи тўлиқ тикланди ва нафақага чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Оҳангарон шаҳар Халқ қабулхонаси ходимлари 4 та секторда тузилган ишчи гуруҳлар билан биргаликда аҳоли муаммоларини аниқлаб, уларни тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Хусусан, 1-сектор раҳбари — Оҳангарон шаҳар ҳокимининг секторидаги аҳоли хонадонлари ўрганилганда, "Ҳонобод" МФЙ ҳудудидаги "Алпомиш" кўчаси 26-уй олдида ичимлик суви қувури ёрилиб кетгани аниқланди. Ушбу ҳолат шаҳар Халқ қабулхонаси назоратига олиниб, қисқа фурсатда муаммо бартараф этилди ва аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Фуқаролардан бири — "Бахт" МФЙда яшовчи Алексей Воитовнинг ишга жойлашиш юзасидан қилган мурожаати ҳам ижобий

ҳал қилинди. У ҳозир "Лида Металл Технология" МЧЖда чилангарлик вазифасида ишлаяпти.

2-сектор раҳбари — Оҳангарон шаҳар прокурори секторидаги хонадонлар ўрганилганда, "Мустақиллик" МФЙ, 4-кичик туманда яшовчи Олимжон Арзибоев хонадони ертўласидан сув оқаётганини баён қилди. Ушбу мурожаати бўйича мутахассислар жалб қилиниб, муаммо шу куннинг ўзида бартараф этилди.

3-сектор раҳбари — Оҳангарон шаҳар ИИБ бошлиғи секторидаги хонадонлар ўрганилганда, "Янгилик" МФЙ, 2-кичик туманда истиқомат қилувчи фуқаро Феруза Абдувоҳидова хонадонидаги плитадан газ ҳиди чиқаётганидан хавфсираётганини билдирди. Бу муаммо ҳам мутахассислар томонидан жойида ҳал қилинди.



4-сектор раҳбари — Оҳангарон шаҳар ДСИ бошлиғи секторидаги хонадонлар ўрганилганда, "Навбаҳор" МФЙдан Бахтиёр Комиловнинг бандликни таъминлаш юзасидан қилган мурожаати қаноатлантирилиб, бу фуқаро "Гули Лола" МЧЖга ишга жойлаштирилди.

Бу борадаги ишларни давом эттирган ҳолда шаҳар Халқ қабулхонаси бошчилигида секторларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари ҳудудларни маҳаллалар ва хонадонлар (оилалар) кесимида таҳлил қилиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режалари шакллантирилмоқда.

Мухтасар айтганда, секторлар ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда уйма-уй юриш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Мақсадимиз, "Халқ Халқ қабулхоналари фаолиятидан розими?" деган саволга ҳамиша ёруғ юз билан "Албатта", деб ижобий жавоб беришдир.

Севдора ЛАТИПОВА
ёзиб олди.

Мамлакатимиз ташаббуслари — халқаро ҳамжамият эътирофида

ҲАМКОРЛИК

2 март куни биз учун Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган сана сифатида жуда қадрли. Мана, 27 йилдирки, мамлакатимиз байроғи мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида ҳилпираб турибди. Айнан ана шу кундан эътиборан юртимиз глобал ва минтақавий муаммолар муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Даставвал БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар хавфсизлик ҳамда барқарорликка таҳдидларга қарши кураш, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишлардир.

Ўтган даврда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар мунтазам қўллаб-қувватлаб келинаётгани барчамизни мамнун этади. Жумладан, Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни (МОЯҚХҲ) ташкил этиш ташаббуси асосида 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақа давлатлари томонидан "МОЯҚХҲ ташкил этиш тўғрисида"ги шартнома имзоланди ва у 2009 йилга келиб тўлиқ кучга кирди. 2014 йилнинг 6 май куни эса БМТ бош қароргоҳида ядровий "бешлик" давлатлари томонидан ушбу Шартноманинг хавфсизлик бўйича кафолатлари тўғрисидаги Протокол ҳам имзоланди.

2015 йилда БМТнинг "Барқарор тараққиёт мақсадлари" деб номланган стратегияси эълон қилинди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, 2030 йилга қадар инсониятни равнақ топтиришнинг 17 та йўналишини ўз ичига олган мазкур стратегияда белгиланган мақсадларни амалга ошириш бобида юртимизда қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Масалан, таълим сифатини юксалтириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва фаоллигини ошириш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлиғини яхшилаш, юқумли ҳамда хавфли касалликларнинг олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилаётир. Бунга мисол қилиб республикамизда Давлат бюджетининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа учун сарфланаётганлигини келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароитларни яратиб беришга қаратилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида (2017 йил, сентябрь) жаҳон ҳамжамияти эътиборини халқаро аҳамиятга эга бўлган бир қатор долзарб масалаларга қаратди. Халқаро терроризм, диний экстремизм, диний бағрикенглик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва конструктив ҳамкорлик муҳитини барпо этиш шулар жумласидандир. Айниқса, давлатимиз раҳбари ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини, Маърифат ва диний бағрикенглик бўйича алоҳида ҳужжатини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Бу таклифларнинг барчаси халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда очиқ мулоқотга тайёр эканлиги борасида билдирган қатъий позицияси ҳам халқаро жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. Эътиборлиси, бу ташаббус асосида 2018 йилнинг 26-27 март кунлари пойтахтимизда БМТ шафелигида "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги конференция ташкил этилди. Унинг якунлари бўйича "Тошкент декларацияси" деб номланган тарихий ҳужжат қабул қилинди. У бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг барқарор ривожланиши учун шароит яратиш, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ҳамда унинг минтақа ва бутун дунёдаги ижобий жараёнларга жалб қилинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Афғонистон бўйича ўтказилган Тошкент конференцияси Декларацияси 2018 йил апрелда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тасдиқланди. Бундан ташқари, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси тўғрисидаги маълумотлар 2018 йил сентябрда БМТ Бош котибининг "Афғонистондаги ҳолат ҳамда унинг халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун оқибатлари" деб номланган маърузасида ҳам алоҳида эътироф этилди.

Ўтган йилнинг 20 июнида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди.

Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган мазкур резолюцияда, энг аввало, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда минтақадаги давлатлар роли эътироф этилгани ҳолда уларнинг хавфсизлик ва тараққиёт борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлангани айни муддаодир.

Мазкур резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратни юмшатиш, минтақада замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технология, инновация, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги ҳам қайд этилган.

Ўтган йил 27 ноябрда Нью-Йоркда БМТ томонидан Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил қилиш бўйича ўтказилган тақдимот маросими Ўзбекистон амалга ошираётган саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу маросимда БМТ Бош котиби А.Гутерриш, БМТнинг махсус муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, йирик компания ва банк-молия институтлари, халқаро ноҳукумат экологик бирлашмалар ва илмий-ўқув доиралари вакиллари иштирок этди. Унда БМТ раҳбари Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил қилиш бўйича ташаббусини алоҳида эътироф этиб, мамлакатимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Шунингдек, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. 2017 йили давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус асосида ишлаб чиқилган ушбу резолюцияни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 50 дан ортиқ мамлакатлар қўллаб-қувватлаб, унинг ҳаммуаллифи бўлди.

Бугун мамлакатимизнинг нафақат БМТ, балки унинг таркибига кирувчи бир қатор ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳам ўзаро самарали ҳамкорлиги тобора чуқурлашиб бораётганини кузатиш мумкин. Чунончи, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида болалар саломатлигини асраш, улар орасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО билан ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чунончи, бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимиз юбилей тадбирлари ушбу халқаро ташкилот шафелигида кенг нишонланмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз БМТ билан узвий ҳамкорлик қилиб, дунёда ва минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон бундан кейин ҳам мазкур ташкилот ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан изчил ҳамкорликни давом эттиради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга, юртимиз тинчлигини мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Сўнгги икки йил давомида Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларининг ривожи жадал суръат касб этиб, стратегик шериклик даражасигача кўтарилди. Бунда, аввало, Президентимизнинг Тожикистон Республикасига 2018 йил март ойида амалга оширган тарихий давлат ташрифи муҳим роль ўйнади.

"Боботоғ"да

ЯНА БИР ЎТКАЗИШ ПУНКТИ ОЧИЛДИ

Айни шу ташриф арафасида 2018 йилнинг 1 мартидан бошлаб, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро визасиз тартиб жорий этилди, давлат чегарасидаги 9 та ўтиш пунктларининг фаолияти қайта тикланди. Чегарадош ҳудудлар ўртасида мунтазам алмашинувлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари фаровонлигига қаратилган кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини бундан буён ҳам кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам давом эттирилмоқда.

Ўтаётган ҳафтада Сурхондарё вилояти Узун тумани "Боғдара" қишлоғида ўзбек — тожик халқларини боғловчи яна бир ўтказиш пункти — "Боботоғ" чегара божхона пунктининг тантанали очилиши ҳам юқоридаги фикримиз тасдиғидир.

Бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли қўшни давлат бўлсада, шундоққина ёнгинасида, чақирса овози етгудек масофада яшаётган қавму қариндошларининг ҳолидан хабар олиш учун 110 км. олисдаги "Сариосиё" чегара-божхона постига боришар, Тожикистон бўйлаб эса яна 40-50 км. йўл босишар эди.

"Боботоғ" чегара-божхона пунктига туташ ҳудудда Тожикистоннинг "Ҳисор" чегара-божхона постининг очилгани қўшни давлатнинг Ҳисор ва Рўдакий туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг ҳам қувончига сабаб бўлмоқда. Чунки бу ҳудудларда истиқомат қилиб келаётган иккала халқ азалдан эту тирноқ, бир тану бир жон бўлиб яшаб келишган.

Постда жисмоний шахслар, товар ва транспорт воситаларининг қисқа муддатда ва самарали равишда божхона назоратидан ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бу борада 300 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Постга элтувчи йўлларга асфальт ётқизилиб, ёритқичлар ўрнатилди, ён-атроф кўкаламзорлаштирилди.

Шунингдек, бу ерда чегарачилар, ўсимликлар карантини, санитария эпидемиология, ветеринария назорати мутахассислари, суғурта хизматларини кўрсатиш учун ҳам етарли шароитлар муҳайё қилинди.

ЮЛИЯ ТИМОШЕНКО ИККИНЧИ ЎРИНДА

"Батькивщина" партияси раҳбари Юлия Тимошенко президентликка номзодлар рейтингида Украинанинг амалдаги Президенти Пётр Порошенкони 2,5 фоизга ортда қолдириб, иккинчи ўринга чиқиб олди.

Аҳолининг 25 фоизи қўллаб-қувватлаган шоумен Владимир Зеленский президентлик пойгасида етакчилик қилмоқда. Бу ҳақда мамлакат таҳлил ва прогнозлаштириш институти тадқиқотида маълум қилинган.

Эслатиб ўтамиз, Украинада 31 март кунги президентлик сайловларида 40 нафар номзод қатнашади.

"АЁЛЛАР" ТАКСИСИ ФАОЛИЯТ БОШЛАЙДИ

Чеченистонда маҳаллий тадбиркор Мадина Цакаева нафосатли жинс вакилалари учун янги хизмат – "аёллар" таксиси лойиҳа ташкилотчиси бўлди.

ТАСС унинг "Мен аёлман, бу хизмат тури заруратлигини биламан", деганини иқтибос қилган. Лойиҳани қўллаб-қувватлаган жамғарма вакилининг айтишича, "Таксиларни аёл ҳайдовчилар бошқаради". Маълум қилинишича, бундай таксилардан дастлаб иккитаси, кейин эса бештаси ишга тушади, ҳозирча эҳтиёжга қараб улар 17 тагача етказилиши кўзда тутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

— Яқинда Судьялар олий мактаби ташкил этилгани ҳақида эшитдим. Айтинг-чи, кимлар олий мактабда ўқиши мумкин? Судьялар олий мактабида таҳсил олиш даврида ходим ишдан озод қилинадими, бунинг тартиби қандай бўлади?

Нилуфар Ҳамроева, Сурхондарё вилояти

— Мамлакатимизда чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суднинг нуфузини кўтариш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тузилма судлар корпусини шакллантиришнинг принципиал янгича ёндашувини жорий этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Бўлажак судьяларни ўқитиш грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга оширилади.

Судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади. Тингловчилар судья ёрдамчисининг бир ойлик иш ҳақи миқдорида стипендия билан таъминланади.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат бундай курсларда ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади. Ўқиш дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этганлар бутун ўқиш даврида олинган стипендия суммасини давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Бундан ташқари, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш 2 ойлик курси, 2 ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини оширишни йўлга қўйиш мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Саволга Судьялар олий мактаби директори ўринбосари Комил СИНДАРОВ жавоб берди.

ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИНИ РУҲЛАНТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ГАПЛАР АЙТИЛИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

ЎҚИНГ, СИЗГА ҲАМ ФОЙДАСИ ТЕГАДИ!

- Ҳозир ухласанг, албатта, орзуларингни тушингда кўрасан. Агар уйқунинг ўрнига ўқишни танласанг, орзуларингни ҳаётда кўрасан.
- Қачонки сен ҳаммасига жуда кеч бўлди деб ўйласанг, аслида ҳали эрта бўлади.
- Ўқиш азоби — вақтинчалик. Билмаслик азоби — абадий.
- Ўқиш — бу вақт сарфлаш эмас. Ўқиш — ҳаракат қилиш.
- Ҳаёт фақат ўқишдан иборат эмас. Ҳаётнинг мана шу қисмини ҳам босиб ўта олмасанг, нимага ҳам қодир бўла олардинг?
- Қийинчилик ва тинимсиз ҳаракатдан роҳатлан.
- Кимки ҳаммасини эрта қилса, ўзининг муваффақиятидан ҳаққоний роҳатлана олади.
- Ҳаммасига улгуриш имконияти барчага берилмаган, лекин муваффақият ўз устида ишловчи ва муаммоларни тезда ҳал қиладиганларга келади.

Комиллик мезони

МАЪНАВИЯТ

Ота-боболаримиз асрлар давомида диний, ахлоқий, илмий, адабий соҳаларда жуда кўп тарихий бойликларни бизга мерос қолдирганлар. Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган «Авесто» китоби бебаҳо маънавий обида сифатида дунё миқёсида алоҳида ўрин тутади. Чунки у фақат эзгуликни тараннум этади. Уч бирлик бўлмиш – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал унинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб турли фан соҳаларига оид қўлёзмалар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Маънавият — поклик, ҳалоллик, одоб-ахлоқ, мардлик, жасорат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби фазилатларда яққол намоён бўлади. Бу фазилатлар аждодларимиз томонидан доимо ардоқланган. Улар асосида ҳаёт тарзи белгиланган ва таълим-тарбия жараёнлари олиб борилган. Шу боис Ўзбекистон заминидан кўплаб буюк сиймолар, мард ва жасур ўғлонлар етишиб чиққан.

Орадан кўп асрлар ўтса ҳам номлари ҳануз жаҳонга машҳур бўлган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби бобокалонларимиз маънавият дарғаларидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон юксак маънавият соҳиблари юртидир. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз ўз Ватанининг ҳимояси учун жонини аямаган, куну тун изланиб, қомусий билимларни эгаллаган ва бор бисотини сарфлаб, халқини маърифатли қилишга интилган улуғ зотларнинг, буюк сиймоларнинг зурриётларимиз. Бу — биз учун ҳам шараф, ҳам катта масъулият. Масъулият эканлиги шундаки, ҳар биримиз уларга муносиб ворис бўлишимиз ва номларига доғ туширмаслигимиз лозим.

Маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришда оила, маҳалла ва таълим-тарбия тизимининг ўрни беқиёс. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари айнан шу ижтимоий муҳитлар заминида шаклланади.

Маънавияти юксак халқ яшаётган жамият ва давлат ҳар жиҳатдан кучли бўлади. Маънавият иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шакланиши, ўзгариши ва инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Инсонларнинг маънавияти бойиб борсагина жамият ривожланади. Маънавият қашшоқлашса, жамият таназзулга юз тутади. Маънавиятнинг туб негизи — маърифат, ўзагини эса — инсон ахлоқи ташкил қилади. Маърифат ўз навбатида таълим-тарбия жараёни билан, ахлоқ эса инсон одоби билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўз даврида буюк мутафаккир бобомиз Абу Наср ал-Форобий: "*Маънавиятнинг икки асосий сифати бор: Ё ўзингники бўлади, ё бировники. Бировнинг ўз маънавиятини тиқиштирб, сенинг маънавиятингга таҳдид солиши фақат битта мақсадни — сенинг маънавиятингни йўққа чиқаришни кўзлайди*", — деб фикр билдирган эди. *Форобий ҳар қандай жамият учун маънавият борасида иккита вазифа устувор бўлишини: биринчидан, ўз маънавиятини мудом такомиллаштириш, иккинчидан, уни ўзга маънавият тажовузидан асрай билишни таъкидлайди*. Ана шу фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу сабабли биз, педагоглар ёш авлодга таълим-тарбия бераётганимизда маънавият соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Шундагина биз кўп асрлик тарихга эга миллий маънавиятмизни ва ўзлигимизни сақлаб қоламиз. Чунки маънавият комил инсон фазилатларидан энг асосийсидир.

Т.БУРХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

Reklama

DigiGirls дастури ёшлар учун

Microsoft корпорациясининг қизлар учун таълим соҳасида илм-фан, технология, муҳандислик ва математика соҳаларини такомиллаштирувчи мазкур DigiGirls дастури келгусида глобал иқтисодиётнинг муаммолари ва чақириқларига тайёр турувчи ходимларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

Яқинда DigiGirlz High Tech Camp Uzbekistan таълим дастурининг тантанали очилиш маросими Тошкентдаги Инҳа университетида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, университет ректорати вакиллари мазкур таълим дастурининг мақсадлари ва унда иштирок этаётган 100 нафар иқтидорли қизларимизнинг келгуси фаолиятига омадлар тилади.

Тадбир доирасида иштирокчилар Microsoft корпорацияси мутахассисларидан виртуал ҳақиқат ва унинг тенденциялари, мобиль иловалар учун интерфейс дизайнлари, касб танлаш ва муваффақиятга эришиш бўйича билим ва кўникмалар олди.

Иштирокчилар Microsoftнинг Марказий ва Шарқий Европадаги бош менежери Анке Ден Оуденнинг DigiGirlsz дастурининг мақсади ва Microsoftнинг қизлар иқтидорини ошириш борасидаги фаолияти ҳақида онлайн маърузасини тинглади.

Диққат, янги тизим:

Таъминотда узилиш бўлмайди

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, юртимизда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этмоқда.

Унга кўра, ҳар бир хонадонга акциядорлик жамияти ҳисобидан электрон ҳисоблагичлар ўрнатилади. Авваллари ҳудудлар учун электр сарфи тахминий ҳисобланиб, "лимит" ажратилар эди. Янги тизимда эса барча маълумотлар аниқ кўриниб туради. Бу таъминотда чекловнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур "ақлли" ҳисоблагичларнинг яна бир хусусияти шундаки, маълумотларни сохталаштиришга уриниш, яъни ҳисоблагичга таъсир ўтказиш ҳолатлари юзага келса, у дарҳол ўчади ва тизимга хабар жўнатади. Энергия тўлови тўланмаган ҳолатда масофадан ўчиш хусусиятига ҳам эга. Яна бир эътиборли жиҳат – бу ҳисоблагичлар электр таъминоти корхонаси томонидан 10 йилда бир маротаба қиёсловдан ўтказилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимиз барча ҳудудларида мазкур тизимни жорий қилиш режалаштирилган. Жорий йил Тошкент шаҳрининг барча туманларида шундай замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилади. Ҳозирги кунда шаҳарнинг Юнусобод туманида ушбу тизим амалиётга татбиқ этилмоқда.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган анжуман тармоқдаги бу каби янгиликлар, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланди.

Вазирлар Маҳкамаси қузуридаги Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини қудудий инспекцияси жамоаси

Муҳтарама онажонлар, азиз аёллар ва қадрли опа-сингилларни
ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
билан табриклайди!

Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни улуғламоқ демакдир. Тилагимиз шуки, юртимиздаги баҳор чечаклари ифори, қувончу шодликлари сизларни

Оиламиз чироғи ва чароғбони бўлган сиз азизларга меҳр-муҳаббат ардоғида яшаш бахти ҳамиша насиб этсин!

AGROBANK

Агробанк Баҳор байрамлари муносабати билан янги муддатли омонат турини таклиф этади!

"Баҳор – 2019"

миллий валютадаги омонати:

Муддати – 13 ой;

Фоиз ставкаси йиллик – 21 фоизгача;

Минимал талаб – 1 000 000 сўм.

Шошилинг, омонатга маблағлар жорий йилнинг 31 март кунига қадар қабул қилинади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
www.agrobank.uz
тел.(+99871) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган

Реклама

Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси

МАМЛАКАТИМИЗ АЁЛЛАРИНИ, МУҲТАРАМА ОНАХОНЛАР, ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИ МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!

Чиноз туман халқ таълими бўлими жамоаси

Азиз устозлар, таълим тизимида фаолият олиб бораётган опа-сингиллар гўзаллик ва нафосат айёми муборак бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, касбий фаолиятингизда каттадан-катта ютуқлар тилаб қоламиз!

МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (144); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (144); 90 *900-72-15*

Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Адади — 3944
Босишга топшириш вақти — 2.40
Босишга топширилди — 3.33
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6